-71094

СИРДАРЁДА ХАЛҚАРО ФОРУМ

Гулистонда Ўзбекистон-Германия халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Унда Германиядан юртимизга ташриф буюрган 21 та турли фирма вакиллари, Германия ишчи доираси, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари қатнашдилар. Мазкур форум ишчи гуруҳига Шарқий-Марказий Европа Иттифоқи бошқаруви раиси доктор Ульрих Дитч раҳбарлик қилмоқда. Германиядан келишган меҳмонларни Сирдарё вилояти ҳокими Ўктам Исмоилов қабул қилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ШАҲРИСАБЗДА ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

Тошкент шаҳрида очилган "Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа" халқаро илмий анжумани Шаҳрисабзда давом этди.

Анжуманга ташриф буюрган Англия, Франция, даниялик олимларнинг маърузалари яхши таассурот қолдирди. ТошДУ профессори Т. Саъдуллаевнинг қадимги Кеш тарихига оид янги маълумотлари кўпчилик эътиборини тортди.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛФОЙИКУН

20 воқеалар, янгиликлар, хабарлар, сенсациялар, фактлар

МИСР ОЛИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

"Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" халқаро конференцияси қатнашчиси, Миср ташқи ишлар вазирининг биринчи ёрдамчиси Саййид Қосим ал-Масрий Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти меҳмони бўлди. Миср ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари институт раҳбарлари билан Мисрдаги худди шундай илмий-тадқиқот марказлари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мувофиқлаштириш ишлари олиб бориш ҳақида фикр алмашди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

УРУҒЛИК ПАХТА — ҲОСИЛНИНГ ЗЎРИ

Уруғлик пахта етиштирувчилар зиммасида алоҳида масъулият бор. Чунки келгуси йил ҳосилининг тақдири шуларнинг қўлида. Бинобарин, қаерда шу соҳага эътибор зўр бўлса, ҳосилдорлик ва хом ашё сифати яхши бўлади. Бунга Хоразм вилояти пахтакорларининг саъй-ҳаракатлари яхши мисол. Вилоят заршунослари шу кунгача 27 минг тонна сара уруғлик пахта териб, белгиланган режани уддаладилар. Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлар бунга муносиб ҳисса қўшдилар.

Бобо САРОЙИ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 20 сентябрь, шанба № 111 (22.195).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Хеванинг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик арафасида Урганч аэропортини таъмирлаш ишлари тугалланди. Бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган терминал фойдаланишга топширилди. У авиайўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

***

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

***

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

***

«Марказий Осиё батальони-97» кўп миллатли кучлар иштирокидаги машқлар давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Тошкент шаҳрида уч кун давом этган «Конституциявий суд: фаолият юритишнинг турли моделлари» мавзуидаги халқаро семинар ниҳоясига етди.

Семинар «Ўзбекистон конституциявий судига кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошираётган таъсис дастури доирасида Европа конституциявий ҳуқуқ маркази билан биргаликда ташкил этилди.

Анжуманда Европа конституциявий судлари фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича маърузалар муҳокама қилинди, мунозаралар ўтказилди. Семинар қатнашчилари маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик жамиятга, ҳокимиятлар ягоналиги принципидан ҳокимиятлар бўлиниши принципига ўтиш шароитида конституциявий суднинг аҳамияти тўғрисида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг олий шакли сифатида конституциявий назорат ҳақида очиқ мунозаралар ўтказдилар.

Европа, жумладан, Германия Федератив Республикаси, Италия конституциявий судларнинг, Франция конституциявий кенгашининг моделлари, конституциявий судларнинг огоҳлантирувчи, мавҳум, аниқ назорат шаклидаги конституциявий назоратни амалга ошириш бўйича ваколатлари муҳокама этилди. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига оид якка тартибдаги шикоятларини кўриб чиқиш конституциявий судлар фаолиятининг муҳим вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартлар масалалари бўйича мунозаралар семинар қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Шу нарса эслатиб ўтилдики, 1949 йилда минтақавий миллатлараро ташкилот сифатида тузилган Европа кенгаши ўзига аъзо бўлган давлатлар учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ялпи тизимини белгилайди. Ҳуқуқлар ва эркинликлар инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ҳимояси остида туради. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари миллий доирадагина эмас, миллий суд қарорини қайта кўриб чиқишга оид якка тартибдаги илтимосномаларни кўриб чиқишга ҳақли бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан самарали ҳимояга олинган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қабул қилган қарор қатъий ва ижро этилиши лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг миллий қонунни, маъмурий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб топишга ҳаққи йўқ. Бироқ, Европа судининг қарорига мувофиқ, Европа кенгашига аъзо мамлакатлар инсон ҳуқуқларига оид миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига мувофиқлаштиришлари шарт.

Қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати ўрнатилиши Конституциянинг устунлигини таъминлаши таъкидлаб ўтилди. Конституция «Қонунийлик пойдевори» бўлгани учун ҳуқуқий устунлигининг бош мезонларидан бири сифатида ўзининг қатъийлигини, муқаррарлигини таъминлайди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги арафасида шундай семинар ўтказилгани муҳимлигини қайд этдилар.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон Конституциясига юқори баҳо бериб, у давр синовидан ўтганлигини, барқарорлигини, демократик конституциявий қонунчиликнинг намунаси, фуқаролар жамиятини шакллантириш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати эканлигини кўрсатиб ўтдилар. У демократик асослар ва принципларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаб қўйган ҳужжат сифатида эътироф этилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

(БИРИНЧИ МАНЗАРА)



Машар[illegible]ақов — Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм ви[illegible]ги.

Бирни кўриб фикр қил...

МАҚТОВГА УЧМАЙДИГАН ОДАМЛАР

Сурхондарёда пахта етиштирадиган 138 та хўжаликдан 38 таси бултур иқтисодий ҳисоб-китоблари дафтарига «Зарар» деган сарлавҳа қўйди. Ёқа ушлаб гапириш керакки, айрим хўжаликларнинг бир йилда «ундирган» зарари 30-45 миллион сўмни қоралаб қолади.

Лекин ёнилғи қиммату пахтанинг нархи арзон, деб ер чизиб ўтирмасдан ишлаётган, меҳнатига яраша даромад, даромад нима бўпти, соф фойда олаётганлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири — Термиз туманидаги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидир.

Икки минг гектардан сал зиёдроқ майдонда деҳқончилик қилган «Дўстлик» ўтган хўжалик йилини 26 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Даромаднинг 53 фоизи одамларга иш ҳақи қилиб тақсимланди. Одамларнинг ойлик маоши ўртача 2100 сўмга тўғри келди.

Пул бўлса, чангалда шўрва, дейдилар. Ҳар тўрт хонадоннинг учтаси газлашган. Шу йилнинг ўзида икки километр узунликда газ қувурлари тортилди. Одамларга буғдой, пахта мойи, бошқа истеъмол моллари берилди. «Дўстлик»нинг одамлари хонадонларини гулга, қишлоқларини дарахтларга ўраб қўядилар. Йўллари соз, мактаблари кўркам, боғчалари гавжум.

Хўжалик раиси Жўлмурод Ёрматов бўлса ҳаммасидан кўра далада ишлайдиганларга жонсарак. Неки яхши нарса бўлса — меҳнат қилганга бўлсин, дейди. Мана, Жўраев Фахриддин деган механизатор май ойида 296 гектар ғўзани культивация қилган эди, раис унга ўз қўли билан телевизор мукофот берди. Холиёров Сафар, Жўраев Жуманазар ҳамкасби мукофотга телевизор олганини эшитиб, энди шундай ишламоқдаларки... Ахир, яхши ишлаган механизаторлар учун навбатдаги мукофот Хеванинг кўркам гиламлари-да.

Яхши сувчиларни, яхши чопиқчиларни хўжалик шу тарзда йўқлаб туради.

Яна бир гап, туманда Дўлмонов номли калхўз бор эди. Етти юз гектаргами уруғ экиб, бултур 280 тонна ғалла етиштирганди. «Дўлмонов» учун «Дўстлик» товон берди. Туманнинг режаси бажарилсин деб. «Дўстлик» шартномага қўшимча 430 тонна дон топширди. Бу ҳолат раисга малол келди. «Дўлмонов»ни бизга қўшиб беринглар, бир кўрайлик-чи», деди. Йўқ, ишласа.... бўларкан. Мана бу йил 280 тонна ўрнига энди «Дўлмонов» 1800 тонна ғалла етиштирди. Майдон ўша-ўша. Пахтасиям яхши. Шифохона, мактаб қуриляпти энди ўша томонларда.

«Дўлмонов»ликларни энди гапиртиринг. «Бу Жўлмурод раис дегани зўр жигит экан. Кўп нарса раисга боғлиқ экан». дейишади.

Қишлоқ хўжалигида ҳозир нима кўп десангиз — комиссия кўп. Тезкор гуруҳ кўп. Комиссиялар «Дўстлик» бу йил ҳам кўп жиҳатдан (асосан, молиявий жиҳатдан) вилоятда пешқадам бўлади, деяётганмиш.

Ёрматов ва унинг атрофида турганлар бўлса мақтовга учмайдиган одамлар. Жўжани ёзда санамайдилар, дейишади. Ва ҳар гапларига «насиб этса» деган ҳикматни илова қилишади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Норвегиянинг Шпицберген ҳудудида, Баренцбург посёлкасидаги шахталардан бирида портлаш туфайли ҳалокат рўй берди. Қутқарув ишлари давом этмоқда. 23 нафар россиялик ва украиналик шахтёрлар тупроқ остида қолган. 13 нафар шахтёрнинг жасади кавлаб олинди. Яна 10 шахтёрнинг тақдири номаълум.*

***

☑ *Туркманистонда уч ҳафтадан кўпроқ муддат бўлмаган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов Германиядан Ашгабадга келди. Маълумки, 1 сентябрда Мюнхенда туркманбошининг юраги беш соат давомида операция қилинган эди. Туркманистон Президентининг тўла оёққа туриши учун бир ой керак бўлади.*

***

☑ *Қоҳира марказида террорчиларнинг сайёҳлар автобусига қилган ногаҳоний ҳужуми туфайли 9 киши ҳалок бўлган ва 19 киши яраланган. Воқеа энг олиймақом меҳмонхоналар, давлат муассасалари ва Миср қадимги ашёлари музейлари жойлашган мустақиллик майдонида содир бўлган. Босқинчилар автобусга ўт қўйиб, автоматда ўққа тутганлар. Гувоҳларнинг далолат беришича, босқинчилар уч киши бўлган.*

***

☑ *Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбург кўчаларида ишсиз юрган оқ танли эркаклар полициячиларга қўшилиб қўриқчилик қилмоқдалар. «Кўнгилли қўриқчи»лар тегишли ашёлар билан таъминланган. Уларнинг кўрагида «Кўнгилли қўриқчи»лигини билдирувчи махсус нишон ҳам бор.*

***

☑ *Германия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мамлакатнинг учдан икки қисмини «идора» қилиб турган мафия гуруҳи бошлиғини ҳибсга олдилар. Қизиғи, «машҳур гуруҳ» раҳбари Италия фуқароси Сабарино Чикарелли экан. У бир неча йиллардан бўён Германияда яшайди. Гуруҳнинг фаолият доираси шу қадар кенг бўлганки, полиция ўз муваффақиятига ҳам ишонмай турибди. Гуруҳ бутун мамлакат ҳудудида жиноий фаолиятнинг барча турлари билан кенг қўламда шуғулланган..*

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ИЗЛАНИШ ВА МУАММОЛАР

Хат сафарга чорлади

ФЕРМЕРЛАР ЭРКИНЛИГИ ЧЕКЛАНАДИМИ?

Вилоят ҳокимлиги шу йилнинг апрель ойида вилоятда деҳқон-фермер хўжаликларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Унга биноан вилоятдаги мавжуд деҳқон-фермер хўжаликлари билан пахта хом ашёсини етиштириш бўйича шартномаларни қайтадан тузиб чиқиш, хўжалик раҳбарларига пахта етиштириш бўйича хўжалик билан шартнома тузган деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳар бирига хўжаликда субсчёт очиб, уларнинг даромад ва харажатларини алоҳида ҳисобкитоб қилиш вазифаси юклатилган эди.

Бундай тартибнинг жорий этилиши дастлабки пайтларда баъзиларни безовта қилиб қўйди. Фермерлар ўртасида уларнинг эркинлиги чекланармиш ёки уларнинг ерлари олиб қўйилаётган эмиш қабилидаги «миш-миш»лар ҳам пайдо бўлди. Лекин шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, бу сингари гапларнинг бариси асоссиз эди. «Безовта»ликларнинг заминида эса бошқа нарсалар ётарди.

Баъзи туманлардаги айрим хўжаликларда раҳбарлар ўз яқинлари, қариндош-уруғларидан чиққан фермерларга унумдор ер, мўл-кўл сув, ўғитларни бемалол қилиб қўйдилар. Харажатлар пайтида фермер билан хўжаликнинг «ҳамёни» қўшилиб кетди-ю, лекин даромад пайти келганда эса... энди у ёғини ўзингиз тушунгандирсиз.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Беш қўл баробар бўлмаганидек, баъзи хўжалик раҳбарлари фермерлик ҳаракатидан юқоридаги сингари йўллар билан озмикўпми нафланиш пайида бўлсалар, баъзилари фермерларни зимдан ёқтирмайдилар. Албатта, буни сиртидан билдирмасликлари турган гап. Бундай жойларда эса фермерга турли катта-кичик тўсиқлар қўйила бошланади. Редакцияга хат йўллаган тажрибали фермерлардан бири Қодирали Холматовнинг безовталиги асосан шу аснода келиб чиққан. Чунки у киши бундан бир неча йилча олдин ўзига тегишли бўлган тола, кунжара, уруғлик чигит ва бошқа маҳсулотлари учун тегишли бўлган 30 минг сўмликка яқин ҳақини Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмасидан ундириб олиш учун озмунча сарсон-саргардон бўлди дейсизми?

Хайриятки, сўнгги бир йил мобайнида вилоятда, жумладан туманда ва хўжаликда кўп нарсалар яхши томонга ўзгариб бормоқда. Раҳбарлар янгиланди, ишга муносабат деярли барча жабҳаларда замонавий тусга кирмоқда. Республика ҳамда вилоятдан келган мутахассислар Қодирали Холматовга рўй бераётган янги тартибни асосли қилиб тушунтирдилар. Туман ҳокими ва хўжаликнинг янги раҳбари эса йил якунига кўра олинган даромадларни сарҳисоб қилишда ҳамма нарса жойжойида бўлишига ваъда бердилар. Кекса деҳқон Қодирали ака ҳам бу ваъдаларга ишонди. Эндиги асосий гап ана шу ваъдаларнинг рўёбга чиқишида қолди.

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИМАСМИ?

Қодирали Холматовнинг шикояти билан танишиш жараёнида вилоят хусусий деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари иттифоқи бошқаруви идорасига ишимиз тушиб қолди. Иттифоқ директори ўринбосари Бўрибек Алматовни эса кайфияти йўқ ҳолатда учратдик.

— Яқинда отпускага чиқаман, шундан сўнг қайтиб келишим гумон, ҳаммаси жонга тегди, — жайдаричасига шароитга изоҳ берди директор муовини.

— Нега? — ҳайрон бўлдик биз.

— Беш ойдан бери ойлик олганимиз йўқ. Бунинг устига ҳар куни шикоят хати келади, кунора меҳмон. Бизга иш буюрадиган кўпу ҳол сўрайдиган йўқ. На транспорт бор, на «командировочний». Болалар безор бўлиб кетиб қолишмоқда. Ростда, бундай юраверишдан нима фойда? Тинка-мадоримиз қуриди...

СЎМЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Хўш, содда қилиб айтганда вилоят хусусий деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари иттифоқи бошқаруви ходимларини ким боқади? Албатта, деҳқон-фермер хўжаликлари. Улар ҳисобига пул қайси йўл билан келиши керак? Бу жуда оддий нарса. Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир хусусий деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи олинган ҳар гектар ери ҳисобига тумандаги уюшма фондига 200 сўм пул ўтказиши, туман уюшмаси эса ўз навбатида ана шу сумманинг 20 фоизини, яъни ўша 200 сўмдан 40 сўмни вилоят уюшмаси фонди ҳисобига ўтказиши керак. Кўриниб турибдики, уюшмага келиб тушадиган сўмлар худди бир мисқол каби фермерлар ёки туман уюшмаларининг белини букиб юборадиган харажатталаб эмас. Ана шу арзимас пулларнинг ҳам йиллар мобайнида бу ерга келиб тушмаётгани чиндан ҳам ажабланарли ҳолдир.

Хўш, нега? Биз дастлаб ана шундай савол билан Сирдарё тумани хусусий деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Абдуманнап Абдиевга мурожаат қилдик.

— Ўзимиз ҳам уч ойдан бери маошсиз ўтирибмиз, — деди у киши ҳам бизнинг суровимизга жавобан. Беихтиёр яна: «Нега?» деган савол туғилиши табиий.

— Ташкилотимиз ҳали янги бўлгани учун фермерларга унчалик қаттиқ босим ўтказмаётирмиз.

Демак, фермерларга бош бўлган раҳбарлар улардан қонуний ҳақларини сўрашга тортинчоқлик қилишмоқда. Баъзи тумандагилар эса, хусусий деҳқон-фермерларимиз ҳали ўзларини иқтисодий жиҳатдан тиклаб олишганларича йўқ, дейишмоқда. Келинг, шу ўринда бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Камида бир гектар ерга эгалик қилмоқчи бўлган одам шу ердан ўртача 80—100минг, агар пахта етиштирмоқчи бўлса 200-250 минг сўмдан зиёд даромад қилишни ўйлайди. Акс ҳолда белни боғлаб майдонга тушмоқнинг нима ҳожати бор?

Юз — икки юз минг сўмлик мақсадни дилга туйган деҳқон-фермер наҳотки бир гектар ер учун 200 сўмнинг юзига борса? Рости, бунга ишониш қийин.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА

Маданий турмуш тарзининг асосий хусусияти ахборот майдонининг бойлиги билан белгиланади. Одамлар гавжумлашгани, яъни шаҳарлашув жараёни тараққий этгани сайин кишилар диққат-эътибори узлуксиз банд бўлиб туриш эҳтиёжи ортади Бундай жойда ахборот қанчалик кўп бўлса шунчалик озлик қилади. Тараққий этган йирик шаҳарларда ахборот тарқатмаётган бирор бир бўш жой қолмайди — кўз тушган жойда реклама ё эълон, хабар ё табрик, шиор ё бошқа ёзув ва суратлар эътиборни жалб этиб туради. Буни одатда ғарбона рекламабозлик деб ҳисоблашади. Назаримда, бу ўринда гап фақат реклама ва эълонлардагина эмас, балки инсон психологиясидаги ташқи информацияга ташналик хусусиятида!

Кейинги пайтда юртимиз шаҳарлари кўчаларига эътибор қилинса безакли рекламалар кўпайгани яққол сезилади. Буни ҳам бозор ва тадбиркорликка йўйиб қуя қолишдан осони йўқ. Чуқурроқ қаралса-чи? Масалан, пойтахтимиз қиёфаси кейинги уч йил ичида кескин янгиланди. Тошкент энди бурунги Тошкент эмас. Унинг кўчалари, хиёбонлари, боғ-роғлари, бекатлари, иморатлари ерлик аҳолининг ҳам, келиб-кетувчи меҳмонларни ҳам ўзгача қизиқиш, ўзгача ҳайрат билан боқишга, атрофни кузатишга чорламоқда. Шаҳар қиёфасининг янгиланишларидан баҳра олишдан қатъи назар, одам шу аснода янада кўпроқ ахборот олиш, яъни фикр-шуури маънавий озуқа олишга ҳам эҳтиёж сезади. «Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарор мана шу маънавий эҳтиёжни қондиришга катта йўл очади.

Дарҳақиқат, нафақат пойтахтда, балки бутун республикамиз миқёсида шиорлар, эълонлар, манзарали эслатма ва чақириқлар қандай аҳволда экани ҳақида сира ўйлаб кўрганмизми? Уларнинг маъно-мазмун борасидаги савияси, бадиий дид масаласи қониқарлими? Умуман, шу борадаги тадбирларни буткул ўз зиммасига олган бирор ташкилот, муассаса ё корхона борми?

Йўқ.

Мутлақо инкор этиш адолатдан эмасдир, ҳар қалай шиорлар учрайди, хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Янги йил айёмларида турли табрикнома ёзувлар кўчага «чиқиб» қолади. Кўзни яшнатувчи манзаралар ҳам кўринади. Аммо-лекин уларнинг савияси, маданий, ижтимоий-сиёсий даражаси қандай аҳволда?

Кейинги пайтда «ижтимоий-сиёсий» деган бирикмадан сал чўчийдиган ё бўлмаса уни ийманиброқ айтиш одати чиқиб қолди. Ваҳоланки, бу ибора кимнингдир хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Ҳолат ё ҳодиса ижтимоий-сиёсий руҳ касб этар экан, уни очиқ-ойдин тилга олишдан чўчимаслик керак, назаримда.

Ҳамонки, ёзувли ва тасвирий шиорлар кенг омма учун мўлжалланар экан, демак, унга ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим.

Кўпчиликнинг дунёқарашига, аҳолининг барча қатламлари онгига муайян даражада таъсир этиши мўлжалланган тадбирнинг ҳар қандай кўриниши сиёсатга бориб тақалмай иложи йўқ.

Буни шунинг учун ҳам тан олмоғимиз зарурки, мустақилликнинг эндигина еттинчи йилида яшаётган ҳамюртларимиз идроки-тафаккурида энг эзгу ва энг долзарб аҳамиятга молик туйғуларни уйғотиш, мустаҳкамлаш ва шакллантиришдан юксакроқ мақсадимиз йўқ, бу ҳар бир ватандошимиз қалби ва тафаккуридан, мақсад-маслагидан униб чиққан сиёсат! Ушбу мақсад ва маслак йўлида бизнинг оғиримизни енгил қиладиган ҳар қандай воситалардан унумли ва самарали фойдаланишимиз керак.

«Тасвирий ойина» айни шу борадаги камчиликларимиз ўрнини тўлдиради, айни шу борада ҳозиргача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган жуда катта имконият!

Уюшма халқимизнинг кўнглида етилиб турган эзгу ниятларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга янада ҳамоҳанглаштиради, фуқаролар ва жамият оралиғида ўйғун мутаносиблик кайфиятини вужудга келтиради.

Халқимизда, «кўча бузади» деган гап бор. Уюшма маълум маънода тўғри бўлган ана шу «ҳикмат»ни рад этишга, яъни кўча бузувчи эмас, тарбияловчи вазифасини ўташини таъминлайди. Шоирона айтсак, «Тасвирий ойина» кўчаларимизда порлаган маънавият чироқларига айланади. Буни у фотолавҳалар, шиорлар, плакатлар чиқариш ва уларни аҳоли гавжум ерларда ўрнатиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шу борада тавсияномалар тайёрлаш, ижтимоий фикрни кузатиш орқали амалга оширади.

Кейинги пайтда Тошкентнинг энг марказий ва гавжум кўчаларида энг замонавий услубларда ишланган фото ва тасвирий реклама типидаги лавҳалар кўпайди. Эътибор бериб қаралса, уларнинг аксарияти хорижий корхоналарга тегишли, қарийб барчаси харидорни кўпайтириш ниятидаги уринишлар. Ҳамон бозор муносабатлари шароитида яшаётган эканмиз, буни қоралаш ҳам қийин, бироқ ҳозирги мамлакатимиз шарт-шароитидан, кишиларимизнинг дунёқарашидаги янгиланиш жараёни суръатининг исталган даражадан анчагина сустлигидан келиб чиқсак, биз учун биринчи навбатда маънавиятга дахлдор кемтиклар ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилмоғимиз афзаллиги аён ҳақиқат. Фикримча, янги ташкил этилган уюшма масаланинг шу жиҳатига ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Зеро, қарорнинг 3-бандида таъкидланганидек, уюшма кўп тадбирлар қатори «Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик йўлида олиб борилаётган яратувчилик ишларини, мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнини намойиш қилувчи ижобий ўзгаришларнинг асл аждодлари — замондошларимиз сиймосини ёрқин акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этади».

Шу ўринда бир қатор мулоҳазалар ҳам туғиладики, уларни ҳам ўртоқлашиш фойдадан холи бўлмас. Халқимизнинг бунёдкорона меҳнат фаолиятидаги жасорат намуналарини ифодаловчи, шу орқали халқни янада жипслаштирувчи шиорлар, плакатлар, фотокўргазмалар ташкил этишнинг энг замонавий усулларидан фойдаланиш керак бўлади. Энг аввало, матн савияси юқори даражада бўлиши зарур, фотосуратларнинг бадиий даражаси ҳақида жиддий қайғуриш лозим. Бизда одатда миллийлик ва умуминсонийлик, миллийлик ва замонавийлик тушунчаларини ўзига хос бир уйғунликда тасаввур этишда бирёқламаликка йўл қўйилади. Миллийлик руҳи кучайган жойда умуминсонийликка путур етади, замонавийлик кайфияти сезилган жойда миллийликка путур етади. Кўпчилик омма кўз ўнгига қўйиладиган кўргазмали тарбия воситаларига айни шу нуқтаи назардан эътиборни қаратиш бўлажак уюшма ижодий ходимларидан масъулиятли ёндошишни тақозо этади.

Иккинчидан, шиор ёзувининг қандайлиги, катта-кичиклиги, қандай матога (ё бошқа нарсага) битилишида ҳам гап кўп. Назаримда, тўрт қулоч матога бир қатор шиор ёзиб икки дарахт ё симёғочга тортиб қўя қолишдек ибтидоий услублардан воз кечиш даври келди. Дунё шаҳарларида чироқли кўргазма, электрон ёзувли плакат ё хабарнома, айланувчан (роликли), тунда чироқ ёнувчи услублари жуда кенг тарқаган. Юртимизда энг замонавий реклама воситаларидан фойдаланса арзийди.

Учинчидан, шиорлар, плакатлар, фотоойналарнинг ўрнатиш жойига (ландшафтга) мослиги ҳам катта аҳамиятга эга. Юксак дид билан ишланган кўргазмали воситалар ўз жойини топиб қўйилишида ҳикмат кўп. Бу борада санъатшунослар, рассомлар, дизайнчилар, меъморлар ҳамкорлиги жуда-жуда асқотади.

Шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, саноқли кун-

1 2 3 4

БАЛАНДЧАҚИРГА СУВ КЕЛДИ

Баландчақир — Ховос туманининг энг юқори ҳудудига жойлашган йирик қишлоқлардан. Сувсизлик бу ердаги асрий муаммо эди. Ниҳоят унинг ечими топилди. Бунинг учун тўртта насос станциясини барпо этиб, Жанубий Мирзачўл канали сувини салкам минг метр баландликка олиб чиқиш ва 66 километр узунликдаги чўл бўйлаб қувурлар ётқизишга тўғри келди. Энди Баландчақир ҳам йирик боғлар ва суғориладиган экинзорларга айланади.

Мазкур сув иншоотини ишга тушириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков , Бош вазир ўринбосари А. Муҳиддинов, Сирдарё вилояти ҳокими Ў. Исмоилов иштирок этди.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎҲНА ТАРИХНИ СИҒДИРГАН КЎЗАЛАР.

«ШИРИН»ДА ШИРИН СУҲБАТ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида инсон манфаатлари йилида қатор тадбирлар бўлиб ўтяпти. Яқиндагина тумандаги «Эркин» фирмаси, Тошкент маъданли сувлари ҳиссадорлик жамияти ва «Ширин» қаҳвахонаси ҳомийлигида туман партия кенгаши бош-қош бўлган суҳбат ташкил этилди. Унда партиямиз фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, фахрийлар ва бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирок этди.

Суҳбатда сўз олганлар мамлакатимиздаги тинчликнинг аҳамияти, юртимиздаги иқтисодий ўзгаришлар, маҳалла ва жамоат ташкилотларида янада аҳиллиқни йўлга қўйиш, шу орқали иқтисодий самарадорликка эришиш ҳақида гапиришди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ТОРКЎЧАНИНГ ПАНАСИ БОР

Пойтахтимизнинг кўркига — кўрк кўшиш учун янги йўллар қурилиши, кўчаларнинг кенгайтирилаётгани яхши, албатта.

Биз Собир Раҳимов тумани Зарқайнар кўчасидаги 14-тор кўча, 264-уйда яшаймиз. Йўлларимиз кенгайди-ю, уйимизнинг орқа томони тоғ-тоғ чиқиндиларга тўлиб, ахлатхонага айланди — қолди. Шунданми, ўт ўчирувчиларнинг иши ҳам кўпайди. Кимдир билиб билмай чиқиндиларга ўт қўяди. Чала ёнган ахлат бурқсиб атроф — муҳит ҳавосини бузиб юборяпти. Аммо бу ҳолдан на ҳокимликдагиларнинг, на «Автойўлмехбаза»дагиларнинг пинҳаги бузиляпти.

Тўғри, мутлақо бехабар эмаслар. Фақат қуруқ ваъдадан нима фойда?! Айниқса, ёш болалар, аёллар ифлос ҳаводан саломатликларини йўқотишяпти. Зотан, эл соғлиғи энг катта бойлик-ку?

Марҳамат УСМОНБЕКОВА.

МАСЪУЛИЯТГА ЯРАША РАҒБАТ КЕРАК

Барча иш маҳалладан бошланади. Халқнинг маҳаллага бўлган ишончи ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Бироқ айни пайтда маҳалла оқсоқолларига ҳам осон бўлмаяпти. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёш болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, болали оилаларга нафақа пули тайинлаш ҳам маҳаллалар зиммасига юкланди. Бундан ташқари оқсоқолларнинг ташвиши бисёр. Тўйлар ёки турли маросимлар дегандай...

Шуларни ҳисобга олиб, маҳалла оқсоқолларига транспорт учун йўл чипталари ойма-ой бериб борилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Ҳали ҳокимликка югур, ҳали ёш болали ёки кам таъминланганларнинг рўйхатини олиб банкка, дегандай ишлар кўп. Арзимас нарса туюлсада, бу оқсоқоллар учун масъулиятига яраша рағбатлантириш бўларди.

Хумоюн АВЛОҚУЛОВ.

Аён ва баён

ВАТАН ИФТИХОРИ – БУЮК САОДАТ

Таниқли мутахассис, уролог-сексопотолог Абдулла Шоносиров фидойи инсон сифатида Ватан ишқи, ифтихори ва миллий ғурур ҳақидаги мулоҳазаларини меҳр билан баён қилди.

— Тўй-маърака, байрам, анжуман ва хайрли тадбирлар барқарорлик нишони. Айниқса, халқимизга хос тўйларда инсон боласи табиатан ёйилади, яъни кўнглига келганини сўзлайди ё тинглайди. Ҳамшираларимиздан бирининг тўйида ана шундай бўлди. Кечроқ бориб қолган эканман. Даврада ёш-яланг, ёши улуғлари ҳам бор. Суҳбатга қулоқ солсам маъноси: «Мустақиллик бизга нима берди?» деган даъво атрофида бўляпти. Аввалига қўшилмасдан сабр қилишга, иложи борича чидашга ҳаракат қилдим. Қарасам ўзим ҳам сукут аломати ризо, деганларидек ўшаларнинг бири бўлиб қоладиганман. Кейин сўзини авжига олиб чиқаётган йигитга қарата: «Сизлар, хусусан, сиз ўзингиз мустақилликка нима бердингиз?», деб ишора қилдим. Ўртага жимлик чўкди. Ҳамманинг диққати менга қаратилди.

Сўзимда давом этарканман, даврадошларимни нимагадир умид қилиши учун аввал ёрни ҳозирлаш керак, кейин уруғ сочиб, сўнг мевасига кўз тикса бўлади, деган фикрни айтдим. Бундай давраларда нолиб ўтириш, айниқса, ўзбекчиликка ярашмайди. Яхшиси дунёқарашимизни шакллантирайлик, янгича фикрлаб, истеъмолчилик кайфиятидан қутилиб, боқимандаликка берилмаслик керак деган фикрларни тушунтиришга уриндим. Кимки астойдил меҳнат қилса, ижод қилса, эзгулик йўлида саъй-ҳаракатларга қўл урса, савоби ҳам шунга яраша бўлади. Бобокалонимиз Нақшбанд айтганларидек ишдан қолмайлик, Оллоҳни унутмайлик.

Даврадошлар мени жон қулоқ бериб тинглашди. Уларнинг бирортаси ҳам ғайирлик қилиб, нордон сўз ҳам айтмади, чимирилмади ҳам. Ахир, мустақиллик осонликча қўлга киритилгани йўқ. Билсангиз собиқ иттифоқ даврида олтин қафас ичра яшагандек бўлдик. Халқимиз бу дунёдан ҳурриятни деб ўтган Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Фитратларни унутмади. Муҳими, халқимиз имонини сақлай билди. Усмон Носир ҳақида айтган сўнгги сўзим кўпчиликни маҳлиё қилди: шоир Сибирга сургун қилинганда минг азобни бошидан кечирган. Қўл-оёғини совуқ уриб, кесилган. Миклари касалланиб, тишлари тўкилган. Шундай бўлса ҳам у ёстиғи остидаги қотган нонни ҳидлаб, она юртим, деб хуморини ёзаркан. Ватан ишқи шоир йигитнинг иродасига қувват бўлган...

Мустақиллик бизга буюк неъматларни бераётгани ҳақида билганимча сўзладим. Ахир азизлар сўмалак, ҳалим, исириқ, суннат тўйи, жаноза каби ўзбекона қадриятларга амал қилмай қолмаганмидик. Бир замонлар масжитларнинг битта ғиштини янгилашга имкон топмаган халқимиз энди улуғвор, мадрасаларга мос масжидларни бунёд этишмоқда. Шаҳарларимиз худди қадимда бўлганидек гумбазли бинолар билан бойимоқда.

Сирасини айтганда маънавиятимиз, ахлоқ-одобимиз, имон-эътиқодимиз билан дунёда биринчимиз, десам ишонаверинг. 70 йил мобайнида бизнинг ана шундай ўзига хос моддий ва маънавий бойликларимиз парда ортида, сеҳрли равишда сақлаб келинди. Ҳозир эса юртимиз жаннат ўлкаси экани, пахта, дон, нефть, тилла конига бой экани ҳаммага равшан. Бундай Ватанни севмаслик, унга меҳр қўймаслик, ифтихори билан ғурурланмаслик мумкинми? Японияда ватанни севиш мактаби бор, дейишади. Назаримда, бундай мактабларда ватанни севишга ўргатиб бўлармикин.

Ҳамма халқ ва миллатга мос бизда ҳам ўзига яраша қусурлар йўқ эмас. Қандайдир лоқайдлик, бефарқлик каби камчиликлардан холи бўлишимиз керак. Бугунги талаб ҳамманики, деган шиорда эмас, аксинча меники, эгалик ҳиссини уйғотишда бўлиб қолди. Келажак мулкдорларники бўлиши керак. Ана ўшанда ҳар бир соҳанинг эгаси бўлади. Табиийки, ўзиникига ўзгача қаралиши азалий.

Яна бир гап. Соғлом авлод ҳақида кўпроқ қайғурилаётгани бежиз эмас. Шифокор сифатида шуни биламанки, келажак авлод кишиларини дунёга келтириш, тарбиялаш бугунги одамлар зиммасида. Демак, сиз билан бизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам оналик ва болаликни, қолаверса, табиатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор катта. Юртимизда болалар туғилиши маромини йўлга қўя олмас эканмиз, бу борадаги ниятлар қийин кечади. Сўзсиз болаларни кўпайтиришга ҳеч қандай чек қўйилаётгани йўқ, фақат янги меҳмон дунёга келгандан кейин она соғлиғини тиклаб олиш ҳақида кўпроқ ўйлаши керак. Она болага 3 йил меҳр кўрсатса, самараси ҳам шунга яраша бўлади.

Сўзимни мухтасар қиладиган бўлсам, юрт ишқи ҳақида гоҳида шундай фикрларга бораманки, сўзлашга ҳам имкон топмай, шеърга солгим келади. Келинг яхшиси машқларимдан баъзиларини ўқиб берайин:

Яшайвер-яшнайвер ҳур Ўзбекистон,
Азиз халқимга сен бўлиб жаннат макон,
Озодлик барчамизга яратмиш имкон.
Ўқишга, ишлашга, яшашга шодон.

Аммо ўтмишга мен ташласам назар,
Юрагим орқага тортиб кетади.
Юз эллик йиллик қуллик азобига
Билмам, ота-боболаримиз қандай чидади?

Баландпарвоз сўзлар айтиларди минбардан,
Дакки-дашномлар эшитмадик биз кимлардан?
Қоғозда бор эди гўё ҳақ-ҳуқуқимиз,
Аслидачи, минг бор топталарди ғуруримиз.

Худога минг шукр ўтди у йиллар,
Истиқлол туфайли келди ҳур замон.
Озодлик қадрини яхши биламиз,
Қайтмасин у кунлар энди ҳеч қачон.

Юртбошим бошлаган порлоқ йўл ила
Олга қадам ташлар халқим мардона,
Орқага йўл йўқ, фақат олга бос, олга,
Ўтсин десанг ҳаётинг мудом шоҳона.

Озодсан, эркинсан минг йиллар яша,
Олга бос, юксалсин қудратинг яна.
Дунёга таралсин кўп юртлар оша,
Довруғинг, шуҳратинг бўлиб афсона.

Балолардан сақлагай қодири Худо
Меҳнаткаш халқимни, азиз юртимни.
Мен шул эл фарзандиман исмим Абдулло,
Мақсадим фароғатда кўриш элимни.

Элим деб, юртим деб, Ватан ишқидан ифтихор туйғуларини қалбга жо қилган бир инсоннинг дил сўзлари ана шундай.

Баённи Мирзо АНВАР ёзиб олди.

Газетада босилмади, аммо...

«ШАҲРИХОН ФАХРИЙЛАРИ»

Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳри уруш ва меҳнат фахрийлари газетамизга шаҳарлараро Шаҳрихон-Хонобод йўналишида қатнайдиган поезд салкам бир йилдан бери қатнамай қўйганлигидан, аҳоли жуда қийналиб кетганлигидан ранжиб шикоят хати ёзган эдилар.

Шикоят хатни «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясига текшириб чора кўриш учун юборган эдик. У ердан қуйидаги жавобни олдик:

Ҳурматли фахрийлар! Сизларнинг жамоа бўлиб «Ўзбекистон овози» газетасига ёзган шикоят хатингиз «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди.

Сизларга шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 6 йиллиги байрами муносабати билан шаҳарлараро қатнайдиган «Шаҳрихон-Хонобод» поездининг қатнови сентябрь ойидан бошлаб қайта тикланди.

Компания раисининг ўринбосари А. ДОНОЕВ.

Маънавият чироқлари

ТУБДАН ЯНГИЛИК БЎЛАДИ

лар давом этадиган айёмлар билан боғлиқ шиор ва плакатлар билан бир вақтда мавсумий бўлмаган шиор ва плакатлар ҳам бор. Шуларни танлаш ва саралаш уюшма ўз атрофига кўплаб ижодкорларни жамлаши зарурлигини кўрсатади. Шуро давридан бизга маълумки, турли шиорбозликлар, байрам чақириқлари, энсани қотирувчи плакатлар шу қадар сийқаси чиқиб кетар эдики, уларда кўзланган мақсад қолиб, кишиларга акс таъсир кўрсатар эди. Ёмон шиор, нуноқлик билан ишланган плакат, истеъдодсиз яратилган сурат, қўл учида туширилган фото ҳеч қачон кишиларга таъсир кўрсатмайди, уларнинг эътиборини тортмайди, дунёқарашини шакллантиришга ҳисса қўшмайди. Аксинча, психологияга ёмон таъсир кўрсатади, кайфиятни бузади, дидни ўтмаслаштиради, пировардида кўзланган мақсаддан мутлақо тескари натижа келиб чиқади.

Фикримча, «Тасвирий ойина» уюшмаси масъуллари биринчи навбатда ана шундан эҳтиёт бўлишлари зарур! Бунинг учун миллий хусусият, маҳаллий қизиқиш доираси, умумий савия, касб-кор ва ҳоказо жиҳатлар алоҳида ҳисобга олиниши керак.

Табиий, уюшманинг фаолияти Тошкент шаҳри билангина чекланиб қолмайди. У вилоят ва туманларга, олис қишлоқларгача тарқайди. Ана шунда ҳозиргина айтиб ўтилган омилларга янада жиддий эътибор беришга тўғри келади. Чунончи, Фарғона водийси шаҳарларига қўйиладиган фотокўргазма билан Хоразм ёки Қорақалпоғистон шаҳарларининг гавжум жойларига осиладиган, ўрнатиладиган плакатнинг ўртасида катта фарқ бўлиши ўз-ўзидан табиий ҳол.

Қолаверса, уюшманинг фаолияти келгусида республикамиздан ташқарига ёйилиши муқаррар. Чунки Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам урин эгалламоқда, унинг довруғи етти иқлимдаги катта-кичик мамлакатлар аҳолисига етмоқда. Тан олиш керакки, бу ёруғ оламда дўст бор, душман бор. Яъни, ватанимиздаги мустақиллик шарофатларига қувонувчилар нечоғли кўп бўлса, муваффақиятларимиздан мутаассир бўлаётганлар ҳам топилади. Шундай пайтда жамиятимизда кечаётган энг ижобий ўзгаришлардан хорижликларни хабардор қилиш ҳам «Тасвирий ойина» уюшмаси зиммасига тушади. Бу ҳол, уюшма қанчалик чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ташкил этилганидан далолат беради. Ана шунда ҳозирча мамлакатимиз миқёсида орттирилган тажрибалар хориж шаҳарларидаги энг замонавий реклама ва плакатлар тайёрлаш тажрибалари билан юзма-юз келади. Улар билан очиқ рақобатга чиқади.

Кенг омма ўртасида ўтказиладиган ҳеч бир тадбирни оммавий ахборот воситаларининг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунончи, юқорида баён этилган, муносабат билдирилган тадбирларнинг самарадорлигини оширишда матбуот ўз зиммасига катта вазифалар олади, албатта. Жамиятимизда юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар ҳақида, кишиларимиз турмушида сезилаётган ҳам ботиний, ҳам зоҳирий янгиланишлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар орасида «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови йўлга қўйилди. Бу анъанавий танлов натижалари ҳар йили Мустақиллик айёми арафасида эълон қилинади.

Бир сўз билан айтганда, «Тасвирий ойина» республика ижодий уюшмасининг ташкил этилиши ижтимоий ҳаётимизда яна бир ўзига хос янгилик бўлди. Зарур янгилик бўлди. Ниҳоятда катта мақсадлар кўзланди.

Шаҳарлашув маданияти саҳифаларига ўзбекона янги руҳ, янги қиёфа, янги услублар қўшиш имкони туғилди. Бу, Ўзбекистон феноменининг яна бир кўринишига айланади, деб ишонамиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

5

6

ТОШКЕНТ. РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ. Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Россиянинг «Сегодня» газетаси Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Романо Проди билан суҳбат чоғида «муҳокама қилинган масалалар, шу жумладан минтақавий хавфсизлик бўйича ҳам қарашларнинг ўзаро яқин ва тўлиқ мос келганлигини» таъкидлади, Романо Продининг сўзларига қараганда, Италия ва Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури сингари халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдордирлар. Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Ўзбекистоннинг минтақада ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича ташаббусини юқори баҳолар экан, «Марказий Осиё — кўплаб мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари кесишадиган муҳим минтақадир», дея таъкидлади.

***

«Ассошиэйтед Пресс»нинг ёзишича, малика Диана, унинг дўсти Доди ал-Файед ва ҳайдовчи ўлимига сабаб бўлган автоҳалокат тафсилотларини ўрганаётган француз терговчилари ҳалокат содир бўлган жойда номаълум машинанинг айрим қисмларини топдилар. Бу қисмлар ишлаб чиқилган йили ва модели новиқ «ФИАТ» русумли автомашинага тегишли. Топилган қисмлар айни пайтда криминал лабораторияда текширилмоқда. Журналистлар яна шуни аниқлашганки, «Мерседес-600»нинг орқа ойнасида ушбу машиналарда ҳеч қачон ишлатилмаган бўёқ излари топилган. Бу фактлар тергов ҳаракатларининг йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин, деб ёзади мухбир.

Немис полициячилар хизмат итларини Германия парваришхоналаридан сотиб олмоқчи эмаслар. Қонун ҳимоячилари бир неча йилдирки, «тўрт оёқли ёрдамчи»ларни Шарқий Европа мамлакатларидан сотиб олишга мажбур. Бунга боис, немис сигбонлари кўп йиллардан буён итларнинг ташқи кўринишигагина аҳамият беришмоқда, холос. Бундай итларнинг хизмат имкониятлари эса кўп йиллардан буён полиция талабига жавоб бермайди.

***

Европарламентнинг навбатдаги мажлиси адолатсиз рақобатларга қарши қонун қабул қилиниши зарур деган қарорга келди. Масалан, ўз маҳсулотларининг афзаллиги ҳақида реклама берган бизнесменлар буни реклама чиққанидан сўнг 48 соат ичида исботлашлари зарур. Мабодо, реклама қилинган маҳсулот ўз турдошларидан фарқланмаса ёки оз фарқланса, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида айтилади. Масъул тадбиркорлардан эса тегишли жарима ундириб олинади.

***

Автомобилингизнинг ранги сизнинг таъбингиз ҳақида, либосингиз ёки уйингизнинг меъморий кўринишидан кўпроқ маълумот беради. Масалан, зангори ёки ҳаво рангли машина ҳайдовчисининг тасаввури кенг бўлмайди, кумуш рангли машина ҳайдовчисининг олиймақомлигидан далолат беради. Олимларнинг фикрича, оқ рангли машиналар ҳайдовчилари асабий ҳолатда бўладилар. Йўл ҳалокатига сабабчи ҳайдовчиларнинг 80 фоизи оқ рангда машина соҳиби эканликларини тадқиқотлар тасдиқлайди.

БУ САФСАТА ЭМАС

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЛАҚҚА ТУШГАН ЛАҚҚА БАЛИҚ

Киров вилоятининг Юрьянск туманига қарашли Муригино шаҳарчасида яшовчи ҳаваскор-балиқчи Анатолий Леденцовнинг яқинда омади юришди. Гап шундаки, Анатолий Вятка дарёсида тизма қармоқда (симга тизиб боғланган, бир неча қармоқлардан иборат балиқ овлаш асбоби) балиқ овлаётгувди. Буни қарангки, ўлжа тезда илина қолди.Бироқ Анатолий қармоқни кўтаролмади ва пичоқни олиб сувга сакрашга мажбур бўлди. Сувости «хўжайини» билан Анатолий ўртасидаги «жанг» роппароса икки соат давом этди. Қизиғи шундаки, чарчаб қолган пайтлари Анатолий бир неча марта қирғоққа чиқиб, дам олиб, яна олишувни давом эттирди ва охир оқибат улкан лаққани енгиб қирғоққа олиб чиқди.

Унинг бўйи 2 метр бўлиб, оғирлиги ярим центнердан сал ортди.

«220 ВОЛЬТЛИК» ... ОЛМА

Челябинсклик Вадим Старожилцов ёш «ўғри»ларнинг қилиқларидан жони ҳалқумига келди, яъни мактабдан қайтаётган болалар унинг боғидаги олмаларни пайҳон қилаётган эмиш. Шу важдан Вадим боғни тиконли сим билан ўради. Бироқ кўнгли жойига тушмади. «Бу шумтакалар сим орасидан ҳам ўтиб кетса-я?!» уйлади ўзича ва миясига ярқ этиб «симга ток улаб қўйсам-чи» деган ўй келди. Гўё чора топгандек бўлди ва токка улади ҳам. Бироқ...

Шу куни ёмғир ёғди. Мактабдан қайтаётган болалардан икки нафари ёмғирдан қочиб боғ четига — дарахтлар панасига боришган ҳам эдики, бирдан чақмоқ чаққандай бўлди. Шуниси ачинарлики, чақмоқ осмонда эмас, боққа тортилган тиканли симдан чиқди. Натижада 11 ёшли болаларнинг бири шу заҳоти жизғанак бўлиб, қазо қилди, иккинчиси касалхонага оғир аҳволда ётқизилди.

Вадим эса ўз «ихтироси» учун қора курсига ўтирди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДЎШАНБА, 22

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 22 сентябрь, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1-фильм.
18.20 Бухоро — 2500. «Тарихингдур бир жаҳон...»
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Шарқ тароналари». 4-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сиёсат оламида».
21.30 «Барҳаёт наволар». Ака-ука Шожалиловлар.
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Абдурауф Фитрат. «Абулфайзхон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.50 «Ахборот».
00.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент)—»Зарафшон» (Навоий). Ёзиб олинган.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Туризм ҳақида».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон қанотлари».
8.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
9.05 «Кино янгиликлари».
9.15 «Кетмас давлат берсин». Публицистик кўрсатув.
9.45 «Гулғунчалар».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Озод ва обод юрт».
10.25 «КИМ». Бадиий фильм.
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.30 — 14.00 «Телевизион миниатюралар театри».

*

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Поногеи»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 1-серия (Молдова).

*

Россия давлат телевидениеси.
21.45 — 22.10

*

22.10 «Кругозор». Тележурнал.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Спорт-тайм».
20.55 «Ракурс».
21.25 «Фариштам».
22.00 «Долзарб репортаж».
22.30 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.15 «Ғўзаллик ва мангулик».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 4-кўрсатув.
8.50 Биржа ва банк хабарлари.
9.05 «Олам ва одам».
9.25 «Барҳаёт наволар». Ака-ука Шожалиловлар.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамкорлик ришталари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Тасвирий санъат.

*

12.00 ЎзТВ экранида биринчи марта. Ҳ.Дўстмуҳаммад. «Жаҳолат». Видеофильм.
13.20 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
13.30—14.00 «Сиёсат оламида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Барҳаёт умр».
18.25 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
18.35 «Ҳазрати Инсон».
19.00 «Мадҳингни куйлайман, Ватан». Концерт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Хива—2500. «Хоразм наволари».
21.50 «Пардали гап».
22.25 Газета саҳифаларида...
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти). Ёзиб олинган.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Умрбоқий тароналар»
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 8-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Авлодимиз».
23.40 «Акс».
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 «Поногеи»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.40 — 22.05

*

22.05 Эълонлар.
22.10—22.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.05, 23.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Дунё эшиги». Саудия Арабистони миллий байрами.
20.15 «Янги иқтисод».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Ўйингоҳ».
21.30 «Эл эъзози». Академик Воҳидов.
22.00 «Моҳир».
22.30 «Америкага назар».
23.05 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Мадҳингни куйлайман, Ватан». Концерт.
8.50 «Бармоқлар сеҳри».
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахтим, сени куйлайман».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «НОУ-ХАУ». Янги технологиялар ҳақида.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.

*

11.25 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
12.55 «Пардали гап».
13.30—14.00 «Соз сеҳри». Мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 2-фильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
18.45 «Исмлар тарихи».
19.00 «Шарқ тароналари». 5-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
21.20 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви олдидан. «Хазина».
21.40 Бир қулишайлик. «Ғаройиб ов».
22.05 Бухоро—2500. «Бухорои Шариф».
22.30 «Вазият». Публицистик курсатув.
22.45 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ёзув столидан репортаж».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Муҳаббатга таянган дунё».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 Кундалик.
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.05 «Лигурия» фожиаси». Бадиий фильм (Мексика).

*

Россия давлат телевидениеси.
22.15 — 22.40

*

22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00. 22.10 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Таклиф ва ташрифлар».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ҳамкорлик».
20.40 «Нафосат гулшани».
21.10 «Безнен мирас».
21.35 «Автосалтанат».
21.45 «Парвоз».
22.15 Ҳ. Дўстмуҳаммад. «Жаҳолат». Видеофильм (такрор).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 5-кўрсатув.
8.50 «Иқтисодиёт чорраҳалари-да»
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Номаълум Бухоро».
9.35 Болалар учун «Устоз ҳақида сўз».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёруғ олам кўзгуси».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Алифбо сабоқлари».

*

11.00 «Талаба ва спорт».
11.20 Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан.
12.00 «Дунё ёшлари».
12.15 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
13.15 «Ёрдамчилар», «Уч қурбақа». Мультфильмлар.
13.35—14.00 Бир қулишайлик. «Ғаройиб ов».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 «Авлод».
18.40 «Ислоҳот ва масъулият».
19.00 Лирик тароналар.
19.25, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Нажот излаб...»
21.20 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви олдидан. «Икки аср ораси».
21.40 Илҳом Иброҳимов концерти.
22.00 «Туркистон—умумий уйимиз». Мухтор Авезов.
22.25 Газета саҳифаларида...
22.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот».
00.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон», «Замин соҳиблари».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Турфа олам».
9.45 «Бари ҳазил».
10.00 «Мусиқа салтанати».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Жараён».
11.30—13.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт кўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Телеочерк.
21.30 «Одобнома».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Кино жавонидан. «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм.
24.00—00.10 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Ярим финал. Тим Хенман (Буюк Британия) — Ф. Клавет (Испания).

*

Россия давлат телевидениеси.
22.15 — 22.40

*

22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Айчурек».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Компьютер-ревю».
20.45 «Америка президентлари».
21.15 «Интер-спорт».
21.25 «Каталог».
21.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Лирик тароналар.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
9.30 Болалар учун. «Орзу».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Халқ ижодиёти».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.

*

11.00 «Таълим ва ислоҳот».
11.15 «Дунё адабиёти».
11.40 «Сайқал». Тележурнал.
12.40 «Аралаш». Киножурнал.
13.00—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болаларга бахшида умр». Пўлат Мўмин.
18.30 «Қалб гавҳари». Маърифий кўрсатув.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Шарқ тароналари». 6-кўрсатув.
19.25. 19.50, 20.25, 20.55, 00.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева куйлайди.
21.55 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Кўлёзмалар тарихи».
22.15 Хива—2500. «Меҳр макони».
22.35 «Ўзбекистон ва жаҳон». Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг Тошкент анжумани якунларига доир.
23.05 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув.
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
23.25 «Олам».
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт кўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Сир».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Мутойиба».
10.40 «Ҳудуд». Телеочерк.
11.10 «Одобнома».
11.20— 13.30 Кино жавонидан. «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Ёнмаган ёзувлар».
18.55 «Нозик мўъжиза».
19.05 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.15 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Жарангдор соз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Хуш келибсиз».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.20 «Дераза».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Ярим финал. М. Россе (Швеция) — Е. Кафельников (Россия).

*

Россия давлат телевидениеси.
21.15 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Дэвид Копперфильд мўъжизаси». 3-қисм.
22.30 «Мусиқа ҳамма учун».
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Шарқ дарвозаси».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Ирэндек».
21.10 «Ўн икки тилда — ўн беш соат».
21.45 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.30 «Осиё монитори».
23.00 Ўзбекистонда Японияниинг маданият кунлари. «Японияниинг йил фасллари». Балет труппаси раҳбари Екояма Кейко.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 6-кўрсатув.
8.45 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
9.05 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.50 «Истеъдод».
10.10 «Мунис қалблар».
10.35 «Ҳунарли элда азиз».
10.55 «Ҳаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
11.40 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
12.15 Эстрада концерти.
12.35 Одил Ёқубов, «Авлодларга васият». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят драма театрининг спектакли.
14.25 — 15.25 «Маънавият». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари. Танаффус пайтида — «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25, 20.55 Эълонлар.

*

20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Хамса».
21.50 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйлайди.
22.20 Газета саҳифаларида...
22.35 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Воҳид Қодиров.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.55 «Куй ва тасвир».
23.15 — 01.05 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм (АҚШ).

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.15 «Ёнмаган ёзувлар».
9.35 «Нозик мўъжиза».
9.45 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.55 «Дил дафтари».
10.00 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Хуш келибсиз».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.30 — 12.45 «Дераза».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Таянч».
19.15 «Минг бир ҳунар соҳиблари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Дилором наволар.
20.10 «Бизнес-академия».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Ханда дўкони».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Интер-футбол».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Видео—»О».
00.30 — 00.40 «Даракчи».

III

18.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.55 «Дэвид Копперфильд мўъжизаси». 4-қисм.

*

Россия жамоат телевидениеси.
19.45 — 20.30

*

20.30 Эълонлар.
20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Финал.
21.55 «Циклон». Бадиий фильм.
23.05 — 23.25 «Бухоро — 2500». «Бухоро зардўзлари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Учувчи шифокорлар». Бадиий фильм.
10.10 «Рақслар қанотида».
10.40 «Бизнинг неварамиз милицияда ишлаяпти». Бадиий фильм.
12.05 «Биргаликда куйлайлик».
12.50 — 13.10 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.20 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Чинсен».
20.30 «Спектаклдан сўнг».
21.00 «Ассалом, Франция!».
21.30 «Серго». Видеофильм. Архитектор Серго Сутягин ҳақида.
22.00 «Ишингиз бароридан келсин». Қимматли қоғозлар бозори.
22.25 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
11.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.55 «Яшил чироқ».
12.25 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм (АҚШ).
14.15 «Тараққиёт йиллари». Кўрсатув ва концерт.
14.45 — 15.45 «Нурли келажак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Санъат олами».
19.00 «Шарқ тароналари». 7-кўрсатув.
**19

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 20 sentabr, shanba № 111 (22.195).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

«АТИРҒУЛ»

(Романдан парча)

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети талабаси, ёш ижодкорлардан бири қўлимга семиз қоғоз тўпламини тутқазди. Қўлёзмани ўқиб бўлгач, хаёлим осмонида момақалдироқ гулдурагандай, Ҳасан-Ҳусан товлангандай дилим равшан тортди, зеро, шууримга ёруғлик, энди ишонинг-ишонманг, девоним устида ақлли, чиройли роман нурланиб ётарди: Уйғун Рўзиев, «Атиргул».

Умид ниҳолларидан бири эзгулик меваси бераётир. Унинг илк романини ўқинг, унда инсониятни безовта қилаётган дард — изтироблар, ташвишлар, андуҳ — армонларини — ҳаёт ҳақиқатини кўрасиз, орзу-ниятлар, поклик, имон — эътиқодни юракка жойлайсиз, тагдор, сермаъно жумлаларга кўз югуртириб, катта тафаккур ва бадиий полифония билан ошно бўласиз. Атиргул ҳидлайсиз!

Исроил МИРЗО,
филология фанлари доктори, профессор.

1

ЭЗГУЛИК БУЛОҒИ

Орамиздаги одамлар

Бизлар одамзоднинг таржимаи ҳолини кўпинча рақамлар ва фактлар билан ифодалашга ўрганиб қолганмиз. Биров ҳақида сўзламоқчи бўлсак, энг аввало ёдимизга рақамлар келади: фалон йилда туғилган, фалон йилда ўқишни битирган, фалон йилда фалон даражага эришган.

Аммо рақамлар ҳеч қачон туйғуларни ифодалай олмайди. Улар бир инсоннинг дунёни энлагудек қувончлари, ташвишлари, қисмати, тақдирини кўздан паналаб-яшириб туради.

Рақамлар гўё булоқ кўзини бекитиб турган тошга ўхшайди: олиб ташласангиз, милтираб зилол, тиниқ сув — ҳаёт суви оқа бошлайди. Турғуной ая ана шундай бир чашмага, булоққа ўхшайдилар. Булоқ қошига бориб, термулиб ўтиринг — дилингиз ором олади, ҳисларингиз тетиклашади. Аянинг суҳбати ҳам одамни тинчлантиради. Руҳига осойишталик бахш этади.

Аянинг ҳаёт йули ибратга арзийдиган бир йул. Кейинги пайтда биз бирор-бир муштулимизни кимнингдир ёрдами, кимнингдир турткиси билан битиришга тобора ўрганиб бораётганга ўхшаймиз. Аммо, ая ва у кишининг тоифасидаги кишилар ўз ҳаётларини фақат ва фақат меҳнат билан бино қилганларига имоним комил. Уруш йиллари, одамлар нон топиш дардида жон қуйдирган, пайтда замона тинчигунига қадар кўпчилик истеъдод соҳиблари бошқа йўлга, тирикчилик йўлига ўтиб бўлган эди.

Уларни айблашдан худо сақласин, аммо ўшандай қийин кунларда ҳануз маслагига содиқ қолган, турли қийинчиликларга қарамай ўқиганлар, илм-фан йўлида, одамлар манфаати йўлида фидойиларча заҳмат чекканлар, албатта, шарафланишга лойиқ, деб ўйлайман.

Мана, орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб, биз шундай фикр юритяпмиз, бироқ, бу оддий ҳақиқатни англагунимизга қадар турмушнинг ўзиёқ бундай кишиларни шон-шараф, ҳурмат ва иззат гулчамбарларига ўраб қўйган экан. Бу шарафни мен мазкур хонадонга йўқлаб келадиган турфа одамлар оқимида кўраман.

Кимга насиб этган бундай саодат? Одамлар ҳурматини ва ризолигини қарздорлик ришталари боғлаб туради бу фарзандларни.

Мол қарзини мол билан узадилар. Жон қарзини жон билан, эзгулик қарзи эса эзгулик билан узилади, албатта.

Биз тилга олган «ўғил-қизлар» қаторида Исматжон деган йигит бор: У аянинг ўз ўғиллари каби азиз ва қадрли. Исматжон ҳам Аяни ўз онасидан ортиқроқ эъзозласа эъзозлайдики, асло кам эмас. Исматжон Бухородан. Ўқишга келиб, бевосита аянинг тарбиясини олган ва шу тарбиядан миннатдор бўлган кўпчиликнинг бириси.

Яқинда аянинг туғилган куни бўлди. Жавод ака деган ўғиллари гул олиб келибдилар, улкан, жуда улкан гулдаста. «Аяжон, то тирик эканмиз, ҳар туғилган кунингизда келиб, табриклаб, хурсандчилигингизни кўриб юрайлик», деганларида ая гўё янада очилиб-яшнаб кетгандай бўлдилар.

Ёқутхон деган қизлари — фарғоналик. Ая учун қадрли бўлган кунларда у доим тўлиб-тошиб етиб келади. Дилором эса тошкентлик. Ёшлигида ота-онасиз қолиб, кўп қийналган, кейинроқ эса аянинг бағрида ўсган самимийгина, содлагина бир қиз... Аяни йўқлайдиганларга қараб уйлайманки, балки ҳар ким ҳам у кишида ўз онасининг сиймосини кўрармикин? Шу боис ҳам Ая, дея талпиниб кириб келармикинлар бу хонадонга?

* * *

Боя аяни булоққа ўхшатдик. Ҳозир бу булоқни бошқа булоқлар — ўғил-қизлар, неваралар, миннатдор кишилар булоғи қуршаган. Беихтиёр кўз олдимизга шиддатли оққан дарёлар келади, ахир, дарёлар ҳам тоғларнинг қай бир еридан ана шундай сокингина милтираётган булоқлардан бошланмайдими?

Шундай булоқларимиз доимо омон бўлсин, ишқилиб.

Исажон СУЛТОН.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. ПЎЛАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

XXXIV БОБ

ОЙДИН КЕЧА

Гулзоримизда атиргул очилибди. Бунчалар хушбўй. Эрталабдан думоғимга қандайдир майин ҳид урилгандек бўлган эди-я! Ким экди экан? Ўз-ўзидан униб чиқавермайди-ку!

— Санобар, — дедим гуллар орасидаги бегона ўтларни юлаётган синглимга, — қара, атиргул очилибди-я. Қачон экиб улгурган эдинглар?

— Вой-бў, сал бўлмаса ҳамма нарсани унутиб юборарканси шекилли. Бу гул ўтган йили ҳам ҳудди мана шундай очилиб турган эди-ку.

— Шунақами? Эътибор қилмаган эканман-да.

— Э, ҳа, — деди Санобар сирли жилмайиб, — билдим нима учун энди эътибор қилганингизни. Ҳали шошмайтурин, кечқурун мана шу атиргулдан боплаб гулдаста тайёрлаб бераман. Бунинг атри зўр, кишини кишига боғлайди.

— Ҳа, мастон қиз, гап биламан деб гапираверар-кансанда ҳар нарсани.

Санобар юрақдан кулди. Унинг нимага шама қилаётганини англадим. Бугун кечқурун Насиба билан учрашувга келишганмиз. Буни Санобар биладди, албатта. Насиба билан ўзи гаплашган. Ўзи Насибадан бир ёш кичик бўлса ҳам сирдош ўртоқ бўлиб қолган. Ораларидан қил ўтмайди. Кашта тикса ҳам бирга тикишади, китоб ўқишса ҳам бирга ўқишади. Хуллас, Санобарнинг кулгиси ҳам ўшандан эди.

Кечки овқатдан кейин ҳамма ўз ишига шўнғиди. Дадам қоровулликка кетди, ойим урчуқ йигиришни давом эттирди. Каримжон билан Дилбар дарс тайёрлашга ўтиришди. Санобар ҳам китобларини олиб, дарс тайёрлай бошлади. Мен эса радионинг қулоғини бураб, қўлимга газета олдим.

— Ака, — деди ойимга эшиттириброқ. Санобар, — Насибада бир китобим қолиб кетибди. Юринг, олиб келайлик. Бир ўзим боришга қўрқаяпман.

Мен, нима деркан, дея ойимга қарадим.

— Майли, синглинг билан бирга бориб кел, ўғлим, деди ойим бизнинг сиримизни англамай. Севиниб кетганимни сездирмай ташқарига чиқдим. Санобар ҳам ташқарига чиқиб, бопладимми, дегандек кулиб қўйди. У гулзорга ўтиб ниманидир қидира бошлади.

— Нима қидираяпсан? — сўрадим шивирлаб.

— Ҳозир, ҳа, мана топдим.

У барқ уриб очилган бир даста атиргулни қўлимга тутқазди.

— Боя айтгандим-ку, гулдаста қилиб бераман, деб.

— Вой шайтон қиз-ей, жуда бало эканса-ку.

— Ҳеч ким кўрмасин деб гуллар орасига яшириб, сувга солиб қўйган эдим.

Муаттар ёйиб турган гулдастани тўйиб ҳидлаб кўрдим. Шундай уддабурон, меҳрибон синглим борлигидан севиниб кетдим. Иккаламиз Насибаларнинг ҳовлисига ўтиладиган эшик томон юриб келдик. Эшик олдига етганда мен тўхтадим. Санобар эса Насибаларнинг уйи томон кетди. Қўлимдаги гулдастани авайлаб, тутиб, икки саҳифа китоб ўқигулик вақт кутиб ўтирдим. Бир пайт Санобар билан Насиба қўл ушлашиб келиб қолишди. Шошиб қолиб гулдастани орқамга бекитдим. Турган ўрнимда тараддудланиб қолдим. Икки дугона менга яқинлашиб келиб тўхташди. Секингина Насибага қарадим. Оппоқ ойдин кечада ял-ял товланиб турган атлас кўйлагию бошидаги гулдор рўмоли уни яшнатиб турарди.

— Ие, ака, сиз бу ёрда нима қилиб турибсиз? — деди Санобар менинг бу ерда турганимни аввалдан билмагандек ҳайрон бўлиб. Вой шайтон қиз-ей, нимага бунақа дейди? Аввалдан бундай келишмаган эдик-ку? Жуда ноқулай аҳволга солиб қўйди. Дудуқланиб қолдим.

— Мен... мен...

Яна Санобарнинг ўзи ноқулайликдан қутқарди.

— Э ҳа, ойнинг юзига термулиб ўтирибсизми?

Осмонга кўз тикаверманг, ерда ҳам гўзаллар бор. Вой, эсим курсин, Насиба, сен шу ерда туратургин, мен ҳозир келаман.

Санобар бир нарсани унутиб қолдиргандек югуриб уйга кетди. Насиба иккаламиз ёлғиз қолдик. У уялиб ерга қараб турарди. Мен эса нима қилишимни ҳам билмай қолдим. У ҳам жим эди. Ниҳоят бу ноқулайликка чек қўйилди.

— Ассаломалайкум, — деди Насиба жуда секин ва майин оҳангда.

— Салом, Насиба. — Иккаламиз қўл бериб кўришдик. Қўлларимиз бир лаҳза бир-бирларининг тафтини сезгач, у уялиб қўлини оҳиста тортди. Аммо бу нозик қўлгинанинг бўш қолишини истамай, унга гулдастани ҳадя қилдим. Бутун дил изҳорларимни мана шу нафис гулдастада мужассам этдим. Насиба гулдастани авайлабгина қўлига оларкан, ҳаяжондан юзларига янада қизиллик югургандек бўлди.

— Насиба, ҳамиша мана шу атиргулдек яшнаб юринг!

— Раҳмат.

Мен Насибани боғимизга бошладим. Гарчи кундузгидек гўзал кўринмай турган бўлса ҳам биз учун энг қулай, энг хилват жой мана шу ер эди.

— Насиба, мактабдаги ўқишларинг ҳам якунланай деб қолдими?

— Ўқувчилик давримиздаги энг сўнгги чоракни ўқияпмиз. Ҳадемай имтиҳонлар мавсуми бошланиб кетади.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин ҳаммамиз мактаб қучоғини тарк этиб, ҳар томонга кетамиз. Мен ўқишга кирмоқчиман, ўқитувчи бўлиш орзуим бор.

— Мен эса тиббиёт институтига кирмоқчиман, врач бўлишни орзу қиламан.

— Омад ёр бўлсин сизга.

— Сенга ҳам.

Биз боғда анча вақт сайр этдик. Ширингина суҳбат қурдик. Насиба баъзи масалалар хусусида гоҳ жиддий мулоҳаза қилар, гоҳо юзига майин табассум югурар, бу пайтда эса, бу боғларни, бу одамни кўкдан боқиб турган тўлин ой эмас, бу унинг нур ёғилиб турган чеҳраси ёритаётгандек бўларди.

— Хўп, энди мен борай, — деди Насиба, — ойим хавотир олиб қолмасинлар.

Насиба мен билан хайрлашаркан, қўлидаги бир даста атиргулга ширин табассум билан боқди-да, яна оҳиста ҳидлади.

Ҳидлагин, тўйиб-тўйиб ҳидлагин, Насиба. Зеро, бу нафислик, беғуборлик белгиси. У инсонлар қалбидаги энг беғубор туйғулар билан ошно бўлади, тоза юракларга хушнудлик бахш этади.

Уйғун РЎЗИЕВ.

2

УЧ МИНУТ КЎПЛИК ҚИЛДИ

FRANCE 98

Шундай бўлди. Агар футболчиларимиз ўйин тугашига уч минут қолганини сезиб, хушёрлик кўрсатишганида Сеулда ўтказилган учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиши муқаррар эди. Афсуски, йигитларимиз кўнгилларида ўйин тугади, деган маънода андек сусткашликка йўл қўйиб, имкониятни бой беришди. 87-минутда тезоб корейслардан бири Сонг Юн Ли дарвозабонимиз Бўгалони доғда қолдириб, жамоасига ғалаба келтирди. Акс ҳолда бош терма жамоамиз Япония ва Корея сафаридан ҳеч бўлмаганда битта очко олиб келар эди.

Мана энди буёғи фақат ғалабага боғлиқ бўлиб қолди. Бугун футболчиларимиз Алматида ўтказиладиган сафар учрашувида Қозоғистон терма жамоасидан албатта устун келадилар, деб ким кафолат беради? Осонмас. Бунинг учун ғайрат-шижоат, тезкорлик, ҳужумкорлик, уюшқоқлик, қолаверса, ҳамкорлик тақозо этилади. 90 минут мобайнида корейсларга ўхшаб бетиним ҳаракат қила оламизми? Яна бир пайтлар «Пахтакор» билан «Қайрат» ўйинида бўлгани каби ғолибона анъанамизни давом эттиришга қурбимиз етадими? Ҳа, энди, умидли дунё...

Осиё минтақасига кирувчи ўн жамоанинг икки гуруҳга бўлиниб, Францияга йўлланма олиш учун кураши авжга чиқмоқда. Мухлислар иккинчи босқич учрашувларини муросасиз кечишини яхши биладилар. Кеча «А» гуруҳида Ироқ-Саудия Арабистони, Катар-Қувайт жамоалари ўзаро куч синашдилар. «Б» гуруҳида ҳам икки учрашув мўлжалланган. Кеча БАА-Япония футболчилари майдонга тушган бўлсалар, бугун Қозоғистон-Ўзбекистон жамоалари учрашадилар. Хитой-Эрон учрашувининг 2:4 ҳисобида тугагани ҳақида хабар қилган эдик. Саудия Арабистони билан Қувайт ўйинида 2:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳозир «А» гуруҳида Эрон, Саудия Арабистони учтадан очкога эга. «Б» гуруҳида эса Корея олти очко билан олдинда бормоқда. БАА, Япония жамоаларида учтадан очко бор.

Марказий Осиё ўйинлари

ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ОСТИДА

Туронзамин ёшлари бешта туташ ҳалқа рамзи туширилган оқ байроқ остида Марказий Осиё ўйинларида иштирок этмоқдалар. Спортнинг 14 тури бўйича қизғин ва муросасиз баҳсларда медаллар сонини кўпайтириб, мавқеини мустаҳкамлаш йўлида курашмоқдалар. Мамлакатимиз спортчилари ҳам кўтаринки руҳда маҳорат кўрсатиб, жами медалларини 100 тадан ошириб юбордилар. Хусусан дзюдо, эркин кураш, бокс, мерганлик бўйича қўлга киритилган ютуқлар мухлисларни мамнун этди.

Енгил атлетикачилар ҳам бўш келишмади. Эстафетали югуриш бўйича Л. Дмитриади, Л. Препелова, Е. Квятовская ва Г. Кубеевалар олтин медалли бўлишди. 400 метрга югурган А. Файзуллаев билан узоққа сакрашда ўзини кўрсатган К. Сарнацкийлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди. Андрей Абдувалиев тўқмоқ улоқтиришни ўрнига қўйди. Сузувчиларимиз ҳам муваффақият қозондилар. Улар 1 та олтин, 10 та кумуш, 20 та бронза медалига эга бўлишди. Бугун велопойга теннис, қиличбозлик баҳсларидан кейин Марказий Осиё ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлади.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ИЗЛАГАННИНГ БИРИ ИККИ БЎЛАДИ

НАМАНГАН. *Вилоят нашриёт бўлими шоир ва журналистларнинг янги китобларини босмадан чиқарди. «Наманган ҳақиқати» вилоят газетаси таҳририятининг бундай савобли ишлари талайгина. Боиси газета журналистлари бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик қилмоқдалар. Газетанинг «Тадбиркор» номли иловаси ҳам бор. Таҳририят мустаҳкам тижорат тизимига эга. 10 та савдо дўкони бўлиб, 20 дан ортиқ сотувчи шартнома асосида меҳнат қилмоқда. 8 гектарли майдонда ёрдамчи хўжаликнинг шолиси етилиб турибди. Бундай тадбиркорликнинг самараси ўлароқ таҳририятга «Волга» ва «Нексия» автомобиллари сотиб олинди.*

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.